

ҮХШАШИ ЙҮҚ
ДЕНДРОБОҒ БАРПО
ЭТИЛМОҚДА

2-бет

ЗАМИННИ
АСРАНГ,
ДҮСТЛАР

3-бет

ҚИРҚ БЕШ
ЙИЛ
МУҚАДДАМ

4-бет



Жанубий Қозғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2023 йил 24 январь, сешанба, №8 (3204).

● Президент

УСТУВОРЛИК – АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИГА

ҚР Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаев Құстаний вилояттегі ташрифи доирасыда Allur автомобиль заводига бориб, корхона фаолияти ва уннинг истиқболи билан таниши.

Завод раҳбарияттегін мәйлум қилишича, 2022 йилда 614,2 млрд. тенгелик маҳсулот ишлаб чиқарылған. Экспорт 21,5 млрд. тенгени ташкил қылды. Корхонада 2 мингдан зиёд олам ишлайды.

Завод Президент иштирокида ишга туширилған янғын линия Kia Sportage автомобилларини ишлаб чиқарады. Маркази Осиев МДХ мамлекатпарида Kia автомобилларини ишлаб чиқарып бүйічка ушбу технологиялардан фәзат Қозғистонда фойдалағынында.

Сүңг Давлат раҳбари ишлаб чиқарып күвватларини күздән көчирди, ёш ишчилар билан сұхбатлашды.

– Kia Sportage автомобиллари – сифатты автотранспорт восита. Шунинг учун унга талап жоюры бўлади, деб ўйлайман. Корхонани янада кенгайтириш учун сармоядрорларни тақлиф қиласмиш. Менимча, корхонада келажакда њеч қандай муаммом бўлмаслиги керак. Биз ёшпарни кўллаб-куватлашга устувор ахамият қаратамиз, – деди Қасим-Жұмарт Тұқаев.

Завод вакилларининг сўзлари-



га қараганда, жорий йилда мутахассислар тайёрлаш учун шартшароитлар яратиш мақсадида таълим мусассасалари талаба ва битируучилари учун 250 ўрнини замонавий шаҳарча барпо этилмоқда.

– Қозғистон бозорида очи-лаётган истиқболли имкониятлардан мамнунмиз. Ватанимиз

иқтисодиёти жадал ва кенг кўламда ривожланмоқда. Бозорда бизнесимиз учун улкан имкониятлар мавжудлигини кўраётганимиз сабабли, фурсатдан фойдаланиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун мамлакатимиз раҳбариятига ўз миннатдорчиликимни билдиримоқчиман. Ишончимиз комилки, бу узок ва

муваффақиятли ҳамкорликнинг дебочаси, – деди Kia корпорацияси президенти ва бош директори Хо Сун Сонг.

Сўнг вилоят ҳокими Қумар Ақсалов давлат раҳбарини вилюята амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган сармоявий лойиҳалар билан танишиди.

Akorda.kz.

ЭНГ ЙИРИК ИССИҚХОНА МАЖМУАСИ

Вилоятда 500 гектардан зиёд майдонда иссиқхона мажмусаси барпо этилади. Жорий йилда қурилиши бошланадиган иссиқхонада 51 гектар майдонда помидор эквалиди.

Туркистан вилояти ҳокими Дархан Сатибалди сармоядрорлар билан учрашиб, мұхым лойиҳаны мұхокама қылды. Қурилиш ишлари март ойидан бошланиб, иншоот бир йилдан сўнг ишга туширилади.

Вилоят ҳокими мазкур лойиҳанынг мұхимлигини алоқида таъқидлади. Иссиқхона мен-мажмусасининг лойиҳаси «ЭКО-культура» агросаноат холдингининг қозғистонник ҳамкори «Green Land Alatau» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасыда инфратузилма барпо этилмоқда. Келес тұманида сармоявий лойиҳа доирасыда мингга яқын иш ўрни яратылади.

Шу билан берілген, сармоядрорлар Россиянинг қышлоқ хўжалиги соҳасыда мутахассислар тайёрлайдын олий таълим мусассасалари билан ҳамкорлик қылады ва соҳаны ма-



лакали мутахассислар билан таъминлашни ўйла кўяди.

«ЭКО-культура» агросаноат холдингни фаолияттанинг асосий іўналиши – ишлаб чиқарыш жараёни йил давомида тўхтовсиз ёпик тупроқда сабзавот етишириш. Холдинг таркибида Россиянинг бир қанча худудларидан шайлайдиган иссиқхона мажмұалары киради. Сармоявий лойиҳаны амалга ошириш учун куляй иқлим шароити мавжуд жанубий худуд махсус танлаб олинди.

– Бу вилоятимизда амалга оширилаётган энг мұхим лойиҳалардан бири. Қышлоқ хўжалиги соҳасыда мутахассислар малакасини ошириш ҳам жуда мұхим масала. Лойиҳа доирасыда янги иш ўрнинлари яратилади. Қышлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб доимо ѡюрни. Агросаноат мажмусаси янада тараққиеттириш учун улкан имкониятларга эга мұхим соҳадир. Бундай йирик лойиҳаны амалга ошириши биз унун мұхим, – деди вилюят ҳокими Дархан Сатибалди.

Учрашув яқунларига кўра, томонлар мұхандислик инфратузилмасын барпо этиши, сармовий субсидиялар ва лойиҳаларни молланыштириш билан боғлиқ масалалар ҳам мұхокама қылдини.

Вилоят ҳокимининг матбуют хизмати.

ТУРКИСТОН ШАҲРИ АХОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозғистон Республикасы Президентининг 2022 йил 3 мартағы 826-сонли «Ҳокимларнинг ахоли билан учрашувларини ўтказиш түғрисида»ғи Фармонининг ижроси доирасыда Туркистан вилояти ҳокими Дархан Амангелдили Сатибалдининг Туркистан шаҳри ахолиси билан учрашуви 2023 йил 1 февраль куни соат 15.00да, шахсий қабули соат 16.00да «Ақжайық» мусика мактабида (Ўттор к/т, 19-бино) ўтишини мәтлүм қиласмиш.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига авладан ёзилиш учун 8(72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтасы орқали 2023 йил 31 январгача соат 9.00дан 19.00 оралигида (түшкі танаффұс соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.

Төшиши ташкилоттарнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатыш мақсадида ариза берувчынинг исми-шарифи, савол мазмұны, мансилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ АХОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозғистон Республикасы Президентининг 2022 йил 3 мартағы 826-сонли «Ҳокимларнинг ахоли билан учрашувларини ўтказиш түғрисида»ғи Фармонининг ижроси доирасыда Туркистан вилояти ҳокими Дархан Амангелдили Сатибалдининг Саврон тумани ахолиси билан учрашуви 2023 йил 3 февраль куни соат 16.00да Чўрноқ қышлоғидаги «Чўрноқ» ўрта мактаби биносида ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг шахсий қабулига авладан ёзилиш учун 8(72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтасы орқали 2023 йил 3 февраль куни соат 17.00да Чўрноқ қышлоғидаги Саврон туман ҳокимлиги биносида ўтади.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига авладан ёзилиш учун 8(72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтасы орқали 2023 йил 2 февральгача соат 9.00дан 19.00 оралигида (түшкі танаффұс соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.

Төшиши ташкилоттарнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатыш мақсадида ариза берувчынинг исми-шарифи, савол мазмұны, мансилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

○ Янги Қозғистонни бирга қурамиз

Қишлоқ ривожланса, юрт фаровон бўлади

Қозғистон Республикаси Баш вазири Алихан Смаилов раислигида ўтказилган йигилишда Астана шаҳри атрофидаги ахоли манзилларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича соҳа концепциялари ва мажмумавий режа лойиҳалари мұхоказама килинди.



Бош вазир таклиф этилаётган режа лойиҳасини республика бюджет комиссияси маъқулллаганини инобатга олган ҳолда кўллаб-куватланишини маълум қылди.

Шунингдек, йигилишда Миллий иқтисодиёт вазири Қозғистон Республикасининг 2023-2027 йилларда кишлоп ҳудудларни тараққиеттириш концепцияси лойиҳасини тақдим этди. Унга кўра, қишлоқларда ижтимоий ва мұхандислик инфратузилмаси (мактаб, шифхона, интернет, сув ҳавзалари ва бошқалар) замонавийлаштириш, қишлоқ ахолисининг даромадларини тадбиркорлик йўли билан ошириш, шахсий ёрдамчи хўжалик ва ширкатларни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Концепция Давлат раҳбарининг тегишли Фармони ҳамда Сайловолди дастури ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқни ободонлаштириш тадбирлари са-марадорлигини ошириш, ахолининг турмуш сифатини яхшилаш қишлоқларда яшаш учун куляй шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, кенгашда республика ёқилғи-энергетика мажмусаси 2023 йилгача ва электроэнергетикани 2032 йилгача ривожлантириш концепциялари лойиҳалари кўриб чиқилди.

ХАЛҚНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ – ИҚТИСОДИЁТ КЎЗГУСИ

2023 йилдан Қозғистоннинг қишлоқлари ва кичик шаҳарларни ахолиси бизнесни кенгайтириш, чорва моллар, қишлоқ хўжалиги техникаси ёки ускуналарни харид қилиш учун чегирмали кичик кредитлар олишлар мүмкін.



Бу давлат раҳбари топшириги доирасида қишлоқ ахолиси даромадини ошириш лойиҳасининг кенгайтирилганда тифайли амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида кичик насиялар бериш муддати 5 йил бўлса, чорвачиллик соҳасидаги ташабbusлар учун 7 йил муддат кўзда тутилган. Энг юкори фоиз қиймати йилига 2,5 фоиздан ошмайди.

Тадбиркорликни энди бошлаган ва узок вақт ишлаб чиқиларнинг; хусусий корхона сифатидан рўйхатдан ўтмаган (шу жумладан, фаолият кўрсатмаётган хусусий корхоналар) товарлар ишлаб чиқарыш ёки сотиш, хизматлар кўрсатиши мустақил равишида амалга оширучи жисмоний шахслар; оиласишилар; оиласишилар; тадбиркорлар; яшашнинг энг кийида дарахасидан кам даромад оладиган ва шахсий томонқа ҳужалиқда сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқараладиган жисмоний шахсларга берилиши мүмкін.

2023 йилда лойиҳани амалга ошириш учун республика бюджетидан 52,4 миллиард тенге (11 мингдан ортиқ микрокредит) ажратилиган. Шу билан бирга, ҳозирда туман ҳокимларни томонидан қанча қўшимча маблаг зарурлиги аниқланмоқда.

40 МИНГ ЯНГИ ИШ ЎРНИ ҲУКУМАТ 2027 ЙИЛГАЧА ҚИШЛОҚЛАРДА 40 МИНГ ЯНГИ ИШ ЎРНИНИ БАРПО ЭТИШИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Бу ҳақда ҚР Баш вазири Алихан Смаилов маълум килди.

– Жорий йилда умумий қиймати 143 миллиард тенгега тенг 1,5 мингта лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режаланган. 2027 йилгача қишлоқ ҳамда ахоли манзилларida сув сифати ба ўйларнинг ҳолати яхшиланади, мұхандислик тармоқлари таъмirlанади, ижтимоий, маданий ва спорт иншоотлари барпо этилади. 40 мингга яқин иш ўрни яратилади, – деди Ҳукумат йигилишида.

Алихан Смаиловнинг фикрича, лойиҳа фаолияти қишлоқлар тараққиетига янги суръат бериси керак.

УЧ ЙИЛДА – 326 МЛРД. ТЕНГЕ

2019-2022 йилларда «Қишлоқ – эл бешиги» миллий лойиҳаси доирасида республика бюджетидан 326 миллиард тенге ажратилиб, 3,7 мингта лойиҳа амалга оширилди. Бу ҳақда Ҳукумат йигилишида Миллий иқтисодиёт бўйича кенгашда Алибек Қуантиров маълум қылди.

– 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада 6293та қишлоқ ахоли манзилли мавзуд бўлиб, уларда 7,8 миллионга яқин ахоли истиқомат қилади. «Қишлоқ – эл бешиги» лойиҳаси доирасида мазкур қишлоқларни ободонлаштириш режали тарзда амалга оширилмоқда. 2019-2022 йилларда республика бюджетидан 326 миллиард тенге ажратилиб, 3,7 мингта лойиҳа амалга оширилди, – деди вазир.

● Вилюят ҳокимининг матбуот хизмати ҳабар қилади:

СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА МОЛИК ИНШООТЛАР КҮЗДАН КЕЧИРИЛДИ



Тезкор бошқарув маркази Ички ишлар орғанларидаги етакчи түзилмалардан бири. Туркестон шаҳрида барпо этилган вилюят полиция департаментининг янги биноси қошида жойлашган марказ юртимиздаги энг ийрик мажмуманинг бирига айланади.

Сўнгги намунашаги марказ вилюядаги барча таълим муассасаларини назорат қила олади. Туркестон вилюятининг ҳокими Дархан Сатибалди янги иморатнинг фаолияти билан таниши.

Тузилмада полиция томонидан муҳим вазифалар бажарилади. Бу ерда "102" таромогига кўнгироқлар қабул қилинади.

Дархан Сатибалди Туркестондаги катор стратегик аҳамиятга эга қурилиш майдонларидаги иш жараёни билан таниши. Вилюят полиция департаменти иморатлари мажмумасининг қурилиши поёнига етди. Яқин кунларда фойдаланишга топширилади.



ЎХШАШИ ЙЎҚ ДЕНДРОБОҒ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Туркестон шаҳридаги дедробоғ мамлакатимиздаги ўзгача ҳордиқ масканларининг бирига айланади. 28 гектарга яқин майдонни эталлаган истироҳат боғида сунъий кўл барпо этилмоқда. Унда 0,6 млн. куб метр сув тўплаш имконияти мавжуд бўлади. Бу ерда шаҳар аҳолиси ва саёҳатчилар учун барча шароитлар юратилид. Вилюят ҳокими Дархан Сатибалди дедробоғка бориб, қурилиши ишлари билан яқиндан таниши.

Яшил майдон – шаҳарнинг "ўпкаси". Дендробоғда аввало одамлар биринчи навбатда тоза хавода сайр қилиши ва дам олиш имкониятига эга бўлиши керак. Ҳар бир иншоотнинг қурилиши қатъий назорат остида бўлади, – деди вилюят ҳокими.

Сўнг вилюят ҳокими "Туранд" уйжой маҳмусидаги 7 қаватли 32та уйнинг қурилиш ишлари билан таниши. Бу ишларга 13та компания сафарбар этилган. Бугунги кунда уйларнинг деворлари кўтарилган. Пардозлаш ишлари олиб борил-

моқда. Қурилиш майдонларида 600 нафарга яқин ишчи меҳнат килмоқда.

Маъмурӣ-тадбиркорлик марказидаги автотуарроҳ мавжуд 20 қаватли уй ва маъмурӣ бинога эга 20 қаватли уйнинг қурилиши юкори суръатларда давом этилмоқда. Улардан бирининг қурилиши июль ойидаги якунланади, иккичи се эса ийл охирида фойдаланишга топширилади.

Минтақа раҳбари пурдатчиларга ишларни талаб даражасида бажариши топшириди.

ЭРТАПИШАР КЎКАТЛАРНИ МИНТАҚАЛАРГА ЖЎНАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмат Тўқаев яқин уч йилда озиқовқат ҳафзлиги муаммосини тубдан ҳал этиш вазифасини белгилади. Бундан кўзланган асосий мақсад – қишлоқ ҳўжалиги субъектлари ва тадбиркорларни кўллаб-куватлабган ҳолда нархлар барқарорлигини таъминлашади.

Шу муносабат билан Сариоғоч туманида эртапишар сабзавот маҳсулотларини бошқа вилюят ва шаҳарларга жўнатиш бўйича олдиндан тўлаш шартномасини ишлашга бағишланган сайдер йигилиш ўтди. Ушбу келишув орқали сабзавот маҳсулотлари иккى томонга мақбул нархларда сотилади.

Йигилишда Туркестон вилюяти қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш учун мамлакатимизда энг кулай худуд экани айтилиб, имкониятлари таъкидланди. Минтақада сабзавот бошқа вилюяларга нисбатан 1,5-2 ой аввал йигиб олинади. Йиллик иштесмом мөъёрига кўра, вилюят аҳолисига картошка билан 1,5, сабзи билан 4,4, карам билан 6,6 хисса кўп таъминланган. Яъни, вилюят дехқонлари республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга молик эрта-



шишар картошка, пиёз, сабзи билан таъминлаш имкониятига эга.

Қишлоқ ҳўжалиги экинларини ранг-баранглостириш доирасида вилюядда 9,02 минг гектарга эртапишар картошка, 2,0 минг гектарга пиёз, 1,24 минг гектарга сабзи, 7,54 минг гектарга карам экиш режалаштирилган. Натижада, 186,3 минг тоннага картошка, 55,5 минг тонна пиёз, 30,4 минг тонна сабзи, 187,2 минг тоннага карам етишириш мўлжалланмоқда.

Сайдер йигилишда вилюят ҳоким-

лиги ва вилюялар ҳамда вилюят аҳамиятiga молик шаҳарлар ҳокимларидаги ўртасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдоси бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

Шунингдек, вилюят ҳокимлиги томонидан КР Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига баҳорги дала ишлари учун ахратиладиган имтиёзли кредитлар ҳажмини ошириш юзасидан таклифлар киритилди.

Эркин мулоқот шаклида ўтган учрашувда ҳоким ўринбосари фаол ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб,

вилюят ёшлар имконият марказида вилюят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев иштироқида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида 2023 йилга мўлжалланган иш режаси мухокамасига багишиланган учрашув ўтди.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ЁШЛАР СИЁСАТИНИ ЖОНЛАНТИРМОҚДА



Тадбирни вилюят "Ёшлар имконият маркази" раҳбари Ерасил Тўлебаев олиб борди.

Йигилишда марказ раҳбари ўринбосари Ернар Бектаев давлат ёшлар сиёсатининг долзарб масалалари ва жорий йилда ёшлар иштироқида амалга ошириладиган лойиҳалар билан танишитирди.

Эркин мулоқот шаклида ўтган учрашувда ҳоким ўринбосари фаол ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб,

таклифларини мухокама қилди. Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш, ҳамёнбоп ўй-жой билан таъминлаш ҳамда таълим соҳасини такомиллаштириш, ёш тадбиркорларни кўллаб-куватлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан таклифлар билдири.

Жумладан, ёшларга оид давлат сиёсатидаги долзарб масалаларга эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш ҳақида сўз юритилди.



ҲОСИЛ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ ДАВОМ ЭТИЛМОҚДА

Эски Иқон қишлоғидаги тажрибали пахтакор Рустам Адевов (тасвирда) билан янги йилнинг биринчи ойидаги сұхбатимиз ўтган йилги ҳосил натижалари ва галдаги режаларга бағишиланди.

– 150 гектар майдонда "оқ оптин" етиштирилди. Ёзда уч марта сугордик. Гектаридан ўртача 30 центнердан ҳосил олдик. 220 тонна ҳосил етиштирилди. Пахта тозалаш корхонаси ҳосил учун ҳақни босқичма-босқич тўлаб келмоди. Бугунгача ҳар тонна пахта хомашёси учун 250 минг тенгедан ҳақ олдик. Бу жараёни давом этиб, ҳар тонна учун тўланадиган ҳақ 300 минг тенгедан ошади, деган умидимиз бор, – деди тажрибали бобо-дехқон.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф суратга олган.

ИСТИҚБОЛЛИ СОҲАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Тўлебий туманида паррандачиликни ривожлантириш ва аҳолини сифатли тұхум ҳамда пархезбоп гўшт маҳсулотлари билан таъминлаштириш йўлга кўйётган тадбиркорлар кўллаб-куватлабланмоқда. Натижада, бугун улар элизим дастурхонига сифатли маҳсулот етказиб беришмоқда.

Чунончи, туманда «Бизнеснинг йўл харитаси-2025» давлат дастури доирасида 300 миллион тенгелик лойиҳа амалга оширилиб, «Қизил-Жар» МЧБнинг паррандачилик фермаси фойдаланишига топширилди. Ферма 8 гектар ернигэ эталлаган, 30 одам учун янги ўринлари яратилган.

Корхонада 150 минг дона тұхум очирадиган инкубатор ўрнатилган, 21000 наслдор паррандада мўлжалланган майдон мавжуд.

Россиядан 62 минг дона голланд наслдор тұхуми олиб келинди.

Бундан ташкери, 20000 наслдор товуклардан зотдор жўжалар олинишади. Бир товуқ йилига 325 дона тұхум беради.

– Тұхум парапанда гўшти маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беришдан ташкари, маҳаллий икимга тез мослашувчан, касалликка тўзимли наслдор паррандада етишириши йўлга кўймоқдамиз.

Жорий йилда фабрикамиз истеъмолчиларга миллион дона сифатли тұхум етказиб беради, – деди МЧБнинг башқарувчи директори У. Балабеков. – Шунингдек, кесишилар сонини ҳам эллик нафардан ошириши режалаштирганимиз. Сергушт парранда наслини кўпайтириб,

ахолига пархез гўшт маҳсулотлари етказиб бериш режалаштирилаётган корхонада бугун ёш кадрлар бандлигини таъминлашга алоҳида этибор қаратилмоқда. Жорий йилда туман ёшларининг ўн нафари фабрикада фойлиятини бошлади.

Мұхтасар қилиб айтганда, ҳақиқатан ҳам ушбу туманда паррандачилик тармоғи-

таклифларини мухокама қилди. Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш, ҳамёнбоп ўй-жой билан таъминлаш ҳамда таълим соҳасини такомиллаштириш, ёш тадбиркорларни кўллаб-куватлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан таклифлар билдири.

Тадбирда молиявий ташкилотлар вакиллари давлат томонидан паррандачиликке бериладиган имтиёзлар ҳақида ахборот берисиди.

Сергушт парранда наслини кўпайтириб,

ни нафақат ривожлантириш, балки кескин тараққий эттириш мүмкін ва бунинг учун имкониятлар етарили. «Қизил-Жар» МЧБ мана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланмоқда.

Сўнг семинар иштироқчилари «ADS Ago» МЧБнинг йил қишлоғидаги «Кўсақе» молиявий ташкилотларни таъминлаштириш, боришиди. 1560 баш қорамол бўрдоқила-наётган ферманы очиш учун хўжалик «Казагрофинанс» молиявий фирмасидан 214 млн. тенге кредит олган.

Бирордариликда 100 одам доимий иш билан банд.

Б. ДўСМАТОВА.





**Түркістан шаҳри,
Бирлик кичик туманида истиқомат қылувчи
Саида Эргашбай қызы АМЕТОВАГА!**

Сизни таваллуд күннегиз шодиенаси мұнисабаты билан мұборак бол этиб, сиқат-саломатлық, азиз фарзандларыңыз Диәра, Дилшод, Баҳтжон ҳамда Рухшоналарнинг баҳты камолини күриш саодатини тилаймиз.

Ә. Иззатуллаев номли мектебден сүнг А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетінің құқыншылық факультеттін ағылда тамомлап, Түркістан шаҳар қоқимлиги таркибидагы Бирлик кичик тумани шұйъасыда қончынчик – таҳлил соҳасыда самарали мөхнатигиз билан элда әззоз топаёттанингизни хурмат билан әзтироф этамиз. Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Каломи әхтиром билан Бирлик кичик тумани қоқимлиги жамоаси.

Түркістан шаҳри.

◆ Қадрият

ҚИРҚ БЕШ ЙИЛ МУҚАДДАМ

Ушбу мақола фаол ташкилотчи обуначимиз, Түркістан шаҳрининг ибратли фуқароси Саъдулла Содиқов тавсиясига кўра ёзилиди.



2022 йили мөхнат фахрийси, кўп йиллар Түркістан шаҳар қоқимлиги, сўнгра А. Навоий номли мактабда ишлаб, нафақага чиққан Хайрулла Шомуродовнинг А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг мөмчорчилиғи ва курилиш бўлимидаги бирга таҳсил олган курсдошлари Ахмад Яссавий макбарасига зиёратта келган эди. Таъкидлаш жоиз, 1977 йили талаబалик пайтида улар бирга Тошкентдан Рига шаҳрига амалиёт ўтиш учун боришигана мавридини топиб, Ленинграддаги машҳур Эрмитажда ертўлга кўйилган дошқозонни илк бори зиёрат қилиб, расмга тушучган эдилар. Бу ҳақда Хайрулла Шомуродов шундай ҳикоя қиласди.

– Сафарга отланаётганимда ота-онан ҳатми қуръон ўқитиб, худойи қилишиб. Қўччилик қариялар Ленинграддаги Эрмитажда дошқозонни зиёрат қилишини маслаҳат берниши. Ушанда йигирма ёшда эдим. Амалиётни тутагиб, уйга қайтаёттанимизда ўзбекистонлик курсдошларим билан Эрмитажга бориб, дошқозонни зиёрат қилидик. Ушанда Ўзбекистонда ҳам унинг довруғи достон эди. 54 йillardan сўнг, 1989 йили сентябрда тарихий дошқозон А. Яссавий макбарасига қайтарилди.

Уни ўша кездайды Түркістан шаҳар ижроия қўмитаси раиси Эркин Жўрабеков бошлигига ҳамасб дўстлари Абдусадиқ Абдураззоков, Дадажон Жамолов, Мусо Абдуқодиров каби химматли инсонлар олиб келишиб. Яссавий макбараси, тарихий дошқозонни тез-тез зиёрат қилиб тураман. Ўтган йили курсдошларим билан зиёратимиз чогида ушбу санъат дурдонасини қўрик беш йил мукаддам Ленинградга бориб, бирга зиёрат қилганимизни ҳаяжон ила эсладик.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Хайрулла Шомуродов курсдошлари билан Яссавий макбарасидаги дошқозон олдида.

P.S. Дошқозоннинг Түркістонга қайтариб олиб келинганига жорий ўш сентябрда 34 йил тўлади. Шу тарихий жарәнга бошлилик қилган Түркістан шаҳрининг фахрий фуқароси, жонкуяр ташкилотчи Эркин Искандар ўғли Жўрабеков ҳаёт бўлганида жорий ўш 1 январда 77 ёшга тўлган бўларди.

Соҳири мисралар

Одам ўз қимлишини оқлаш учун бир сабабдан бошқа ҳар қандай сабабни топади, ўз жиноялларини оқлаш учун бир баҳонадан бошқа ҳар қандай баҳонани топади, ўз тинчилини таъминлаш учун бир важдан бошқа ҳар қандай важни топади-ю, фақат ўзининг Қўрқоқлигини ўйламайди.

Шоу.
Интернет саҳифаларидан.

◆ Илгор жамоа

ҚР фахрий фуқароси, жамоат ишларида фаол Тойир Абдувалиев раҳбарлик қилаётган Бирлик кичик тумани шұйъасы Түркістан шаҳар қоқимлиги таркибидаги пешқадам жамоалардан.

Умумий майдони 1754 гектарни ташкил этувчи ушбу кичик туманда үйлар сони 4114, жами 20 минг аҳоли учун Зта мактаб, 8ta болалар бօғчаси, 2ta шифонона, 2ta дорижона ҳамда Зта масжид фаолият юритади. 152ta савдо нуқтаси бор. Аҳолининг мурожаат

ва таклифлари бўйича шаҳар ҳоқимлиги мутасадди раҳбарлари аҳоли билан учрашиб, масалаларни ижобий ҳал қилаётганилиги дилга қувонч бағишлади. Газетамизнинг ўтган йилги сонларининг бирорида ушбу даргоҳга кўмак истаб келган кам таъминланган оила учун тадбиркорлар янги уй куриб берганлиги шонли тарих.

Тойир Абдувалиев 2023 йил



◆ Танлов

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМЛИ МАКТАБДА

Түркістан шаҳридаги А. Навоий номли илим масаканида мактаб, ота-она ва ўқувчи ҳамкорлиги доирасида маънавият, маданият, кўхна меросимизга бағишиланган кўламдор тадбир ўтди.

Унда ота-она, буви-бува ҳамда ўқувчилар иштирокида саҳна кўринишлари намойиш этилиб, спорт мусобақалари, расм чизиш каби жами 10 номинация бўйича ўюнтирил-

ган танловлар мажлислар ва спорт заллари, синф хоналарда давом этди. Ҷақалоқни бешика белаб, алла айтиш номинацияси бўйича Ҳабиба Дуржонбоеva бошланғич синфда ўқиётган неваралари Дилрабо, Диляноралар билан голиб бўлиб, мактаб маъмурияти томонидан ташаккурнома билан тақдирланди.

Ушбу мактабни ўтган асрнинг иккинчи ярмида олтин ме-



далга тамомлаган мархум шифокор Олимжон Дуржонбоеv сулоласидан. Ўқувчиларни саҳнага тайёрлаган ўқитувчилари Сайёра Тўйметова ҳамда Раъно Боситовалар ҳам тақдирланди. Аввал хабар қилганимиздек, мактабни эллик йил муқаддам тамомлаган мөхнат фахрийси, ота-оналар қўмитаси масъул вакили Саъдулла

Содиқов, маъмурият ҳамда касаба ўшмаси қўмитаси ҳамкорлигига "Жанубий Қозогистон" газетаси обунаси ушбу мактабда ушошқоли ташкил этилиб, ота-оналар ҳам ушбу умумхалқ ишига жалб этилганни.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

◆ Хотира – муқаддас, қадр – абадий

ҲАЁТИ ИБРАТЛИ ОНАХОН ЭДИ...

Доимий жамоатчи-обуначимиз, фахрий темирйўлчи, Түркістан шаҳрининг ибратли фуқароси Эркин Қолимбетовнинг умрйўлдиши, ҳаёти ёшларга ибрат Рўзибка Турсунмат қизи (тасвирда) хотириасига бағишиланган тадбиркор ташкилдаги Түркістан шаҳри, Саврон тумани ҳамда Қизилурда вилоятидан яқинлари, дўст-биородар, қудалар иштирок этди.

Бобойкўргон қишлоғида таваллуд топган

Рўзибка Турсунмат қизи ҳамширилик ихтисослиги бўйича Түркістан шаҳридаги тиббиёт биллим юртими аълого таоммугланган. Қайнота ва қайнотаси Зиёш ота ва Шарбон аяларнинг хизматини қилиб, дуосини олган мөхнатчалик келин сифатида эътибор қозонган эди.

Тошкентда темирйўл соҳаси бўйича маҳсус билим олган, ҳарбий хизматини ўтаб келган Эркин Зиёш ўғли Шумилов номидаги темирйўлчилар клуби-

даги бадиий ҳаваскорлик жамоаси таркибida хушовоз ҳонанда сифатида танилган эди. Бобойкўргон қишлоғига концерт билан борганинида Рўзибка Турсунмат қизи билан танишиб, турмуш қуришиди. Қобил фарзандлар кўриб, ширин-шакар невара, эваралар тарбиялаши.

Ажойиб пазанди, улкан оиласининг ёрқин чироги, меҳрибони ва тиниб-тинчимас ҳокисори бўлган онахон оиласи, яқинлари, қўшинали, ҳамкаслари орасида хурмат қозонган эди. Фахрий ҳордикка чиққач, Эркин ака ва Рўзибка ая биргаликда мусулмончиликнинг барча фарзандларни адо этишган. Маккага ҳажсафарига ҳам бориб келишгани шонли тарих.

Уч йил муқаддам вафот этган Р. Турсунмат қизи Бобойкўргон қишлоғига дафа этилди. Эркин аканинг ўзи, тадбиркор Худойберган Зиёш ўғли Рўзибка янгиасининг қабрига ёдгорлик ўрнатди.

"Жанубий Қозогис-



тон" газетасининг энг этиқиодли муштариликаридан бўлган Рўзибка ҳожи онанинг охирати обод бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 12900 нусха.

Буюктаги – 170.

Навбатчи мухаррир: Ҳуршид КўЧКОРОВ.

Директор – Бош мұхаррир –
Алишер Фоғуржон ўғли
СОТВОЛДИЕВ.

Бош мұхаррир ўрینбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахспар:
Түркістан, Кентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.

Түлебий – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.

Қазигурт – Хуршид КЎЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.

Сайр – Мұхтар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.

Тулқиб – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар – Зокиржон МУМНИНЖОНОВ. +7-702-278-96-07.

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Түркістан вилояти ҳоқимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозогистон" вилоят иктиимой-сийесий газетаси таҳририяти масъульияти чекланган бирордаги.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йилдан 21 апрелдан рўйхатга олнилар, К234УРУ0022303 губохонома берилган.

• Маколалар, эълон ва билдирувлардаги фикр ҳамда далилларнинг түрлуги учун мулалиплар, реклама ва эълон берувишлар мусъудлар.

• Фойдаланулатган маколаларга ёзма жаоб қайтирилмайди.

• Ҳар кандай маколаларни ахабарларни тарқатишига мөмкунлосига оғизлайди.

• Ҳар кандай маколаларни ахабарларни тарқатишига мөмкунлосига оғизлайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Түркістан шаҳри,
"Жаңа қала" кичик тумани,
11-кўча, 26-бино, 3-кават.

Телефон: 53-93-17. Телефон: 53-92-79.

Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 12900 нусха.

Буюктаги – 170.

Навбатчи мухаррир: Ҳуршид КўЧКОРОВ.